

Янгилашиш ва ислохотлар — давр талаби

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN FARZDIR

Ziyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

15.02.2017 № 2-3 (250-251) ISSN-2010-9393 ziyo-chashmasi@umail.uz 1993-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу номдаги китоби “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.

Китобдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 январь куни бўлиб ўтган, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Чуқур таҳлил ва танқидий ёндашувга асосланган ушбу рисолада Ўзбекистоннинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига атрофлича баҳо берилган. Айни вақтда иқтисодиётни бошқариш, уни модернизация ва диверсификация қилиш борасида кейинги пайтда турли вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар очиқ ва холис танқид қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган. Турли соҳалардаги мавжуд улкан имконият ва захираларни тўлиқ ва самарали ишга солишга жиддий эътибор қаратилган.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2017 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар, жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда иқтисодиётга хори-



жий инвестициялар, замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар маърузада батафсил кўрсатиб берилган. Айниқса, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, жумладан, шаҳар ва қишлоқларимизда арзон ва қулай уй жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни, мактабгача таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича кенг қўламли вазифалар ҳам китобдан ўрин эгаллаган.

Ў.А.

Спорт “Лочин” Ғолиб бўлди

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганлигининг 25 йиллиги муносабати билан жисмоний маданият назарияси ва спорт турларини ўқитиш услубияти кафедраси томонидан ҳарбий хизматчилар ва институт профессор-ўқитувчилари ўртасида мини-футбол мусобақаси ташкил этилди.

«Бунёдкор», «Лочин» ва «Зиёкор» футбол жамоалари ўртасидаги қизгин баҳсларда «Н» ҳарбий қисмининг «Лочин» жамоаси ғолибликни қўлга киритди.


Мусобақа сўнгида яхши натижаларга эришган, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса



қўшаётган ҳарбий хизматчилар ва институт профессор ўқитувчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланшиди.

Бекзод МИРЗАЕВ,
«Зиё чашмаси» муҳбири.

Шеъримиз ва қадриятларимиз султонлари



Алишер Навоий таваллудига 576 йил тўлди



Бобур Мирзо таваллудига 534 йил тўлди

АХБОРОТ

ДАҲОЛАРГА ТАЪЗИМ

Эзгулик ва ёвузликнинг азалий кураши кескинлашган, умумбашарий қарашлар тизимида чуқур эврилишлар юз бераётган, “оммавий маданият” никоби остидаги зарарли ғоялар инсон маънавиятини емиришга уринаётган бугунгидек мураккаб глобаллашув шароитида - XXI асрда буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг замон ва макон билмас бадиий закосига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

Беназир аждодимиз асарлари ҳаёт қомуси каби ҳамиша тўғри йўлнинг ёруғ манзилини кўрсатади, эгри йўлнинг аянчли оқибатларидан сабоқ беради.

Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллиги муносабати билан “Мумтоз адабиётимизнинг икки буюк

сиймоси” мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирни маънавий-маърифий ишлар проректори Ф.Аҳмедов очиб берди. “Мумтоз адабиётимизнинг икки буюк сиймоси” мавзусида ўзбек тили ва адабиёти факультети доценти А.Турсункулов маруза қилди.

Бадиий қисмда ўзбек тили ва адабиёти факультети ва musiкий таълим йўналиши талабалари томонидан Алишер Навоий ва Бобур Мирзо ғазалларидан кўшиқлар ижро қилинди, сахна кўринишлари намойиш этилди, шеърларидан намуналар ўқилди.

Адабий-бадиий кеча охирида ХДП вилоят кенгаши томонидан тадбир ташкилотчиларига совғалар берилди.

Дилшода ҚУРБОНОВА
«Зиё чашмаси»нинг жамоатчи муҳбири

(Даҳоларимиз ва Буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Мирзо Бобур ҳақидаги материаллар билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз)

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Маданият саройида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти, Ислон Абдуганиевич Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишлаб, ўзбек тили ва адабиёти факультети ҳамда институт Ахборот-ресурс маркази ҳамкорликда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоирлар, Абдували Кутбиддин ва Шахло Аҳророва иштирокида ижодий учрашув — шеърят кечаси ўтказилди.

Дикқат:ТАНЛОВ!

КАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

“Зиё чашмаси” газетаси таҳририяти “Энг фаол журналист талаба”, “Энг яхши ҳикоя муаллифи”, “Энг яхши публицистик мақола муаллифи”, “Энг яхши шеър муаллифи” номинациялари бўйича танлов эълон қилади. Танловга 2016 йилнинг июнь ойидан 2017 йилнинг июнь ойига қадар газетамиз саҳифаларида эълон қилинган ижодий ишлар қабул қилинади.

Тақдим этилган ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, натижалар 27 июнь — Ўзбекистон Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида эълон қилинади.

Совриндорлар муассиснинг эсдалик совғалари билан тақдирланади. Қаламингизни синаб кўринг, яхши ижодкорнинг ўрни ҳар доим юқорида!

«ЗИЁ ЧАШМАСИ»ТАҲРИРИЯТИ
Мурожаат учун тел.: (95) 280-08-06,
(93) 232-76-43.

БИР УМР ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

Мамлакатимизда мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи президентимиз Ислам Каримовнинг таваллуд куни кенг нишонланди.

Мустақиллик йилларида сиёсий ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш каби оламшумул ютуқ-натижалар қўлга киритилди. Улар замирида, аввало мамлакатимиз мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг чеккан заҳматлари ётибди.

Ислам Каримов Республикамиз раҳбари сифатида иш бошлаган вақтлар коммунистик мафкура сиёсати ҳар соҳада ўзининг ҳалокатли оқибатларини кўрсата бошлаган эди. Ҳаёт қалтис сиёсий вазият, ўта мураккаб шароитда мамлакатни инқироздан олиб чиқиш учун улкан жасорат ва донишмандлик зарур эди.

И. Каримов мустақилликка эришиш арафасида ҳаётнинг қайноқ нафасини бевоқифа ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга туриш, эл-юртнинг дарду кувончига шерик бўлишни ўзининг ҳаётий маслағи, олий бурчи деб билди. Сиёсий беқарорлик, бошбошдоқлик авж олган бир шароитда мустақилликни қўлга киритишдек олий мақсад йўлидан ҳеч қачон қайтмади. Бу йўлда Марказдаги кучлар ва уларнинг ўртимиздаги ҳамтовоклари ҳар қадамда миллатчилик ёрлиғини ёпиштириб, тухмат ва маломатлар ёғдиришга уриндилар. Рухий тазйиклар ҳам бўлди.

Ўша пайтларда Ўзбекистон СССР деб аталган қудратли империяга қарам республика эди. Уни на халқро ташкилотлар, на жаҳон ҳамжамияти тан оларди. Яъни мустақиллик йўлида бизни қўллаб-қувватлайдиган бирон-бир ташқи омил, нажоткор йўқ эди. Вазиятнинг акс-садоси И. Каримовнинг нидоси бўлиб янгра-

ди: "фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак", "ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан келиб биров бизга ёрдам бермайди".

Совет давлати ҳали ўзининг ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, "пахта иши" деган тухмат билан қанча-қанча одамлар ноҳақ қамалган, таъқибларга учраган, миллат пешонасига "жиноятчи" тамғаси босилган, халқда тушунлик, эртанги кунга ишонсизлик авж олган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган И. Каримов мустақиллик масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйди.

Бу борадаги биринчи дадил қадам ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишидир. 1989 йилнинг 21 октябры куни жуда катта баҳс ва тортишувлардан сўнг сиёсий-маънавий ҳаётимиздаги унутилмас ҳодиса амалга ошди — миллий қадриятларимизнинг асосий устунларидан бири бўлган она тилимизга давлат тили мақоми берилди.

Ўша қалтис ва мураккаб вазиятда, Ислам Каримов "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарларида қайд этганидек, "огир-вазминлик билан иш тутиб, ҳар томонлама йўлаб, мулоҳаза қилиб, барча сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг талабларини қондирадиган, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топишга эришдик".

Ўртимиз ҳаётидаги кейинги муҳим ва ҳаяжонли воқеалар 1990 йил 24 март кунидан бошланди. Ўн иккинчи

чақирик, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб президентлик лавозими жорий этилди. Бу воқеадан бир неча кун олдин, яъни 14 мартда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи сьезди бўлиб, СССР президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган эди.

Иттифоқда иккинчи президентнинг пайдо бўлиши Марказга қандай таъсир қилганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бинобарин, ўлкамизда президентлик институтининг жорий этилиши давлат суверенитети ва мустақиллигига эришиш йўлида қўйилган тарихий қадам, чинакам сиёсий ва маънавий жасорат намунаси эди.

Мустақилликни қўлга киритиш йўлидаги учинчи тарихий воқелик — "Мустақиллик декларацияси"нинг эълон қилинишидир.

Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 20 июнда қабул қилинган "Мустақиллик декларацияси"нинг 8 бандида "Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини ўзи таъсис этади" деб белгилаб қўйилди. Декларациянинг 12 бандида эса ушбу ҳужжат республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши қайд этилди.

Олий Кенгаш қарори билан 1990 йил 21 июнь куни Ислам Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилди ва қомусимиз лойиҳаси 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди. Бу тўртинчи қадам бўлди. Уш-



бу вазифаларни амалга оширишда Биринчи Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли етакчи сифатида ўзини намоян қилди. Тақдир Ислам Каримов зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жиҳатдан ривожлантириш, пишиб етилган муаммоларни ҳал қилиш каби тарихий вазифаларни юклаган эди.

1991 йил 31 август. Узоқ кутилган кун келди. Ўн иккинчи чақирик, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинди.

И. Каримов иқтисодий-си-

ёсий мустақил, келажаги буюк, дунё ҳамжамиятида мустақам ўрни бор давлат куриш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишдек улуғ мақсадларнинг асосчиси эди.

Бу жасоратли қалб соҳиби умрининг сўнги кунларигагинагинама юрт отасига хос бўлган ҳаёт кечирди. Ўзининг умри, ҳаёт қувончлари, бутун борлигини юрт равақига фидо қилди.

Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг сиймоси эзгулик, фидойилик, ва жасорат тимсоли сифатида халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади.

Фаррух АКЧАЕВ,
тарих ўқитиш
методикаси кафедраси
катта ўқитувчиси.

СИЗНИ УНУТМАЙДИ СИЗ ҚУРГАН ДУНЁ

Халқимизнинг отаси хотирасига бағишланади

Бугун дафтаримни очиб жим қолдим,
Ҳеч сўз тополмадим ёдингиз айтиб,
Баҳоси бўлмаскан ота меҳрининг,
Ахир охиратдан келмаслар қайтиб.

"Обод Ватан қолсин" дея ҳайқариб,
Минбарларда туриб давват қилдингиз,
Бош бўлиб йўллардан ғовларни суриб,
Бизга бир Жаннатни ҳада қилдингиз.

Онам дер — авлиё инсон эдилар,
Отам дер — марду-майдон эдилар,
Сўзингиз тинглаган барча қари ёш,
Сизни қалби дарё, уммон дедилар.

Сизнинг сўзингизни ҳақ сўз деганлар,
Мудом изингиздан бирга борамиз,
Қалбидан сиз учун ҳайкал қурганлар,
Рухингиз шод этиб сергақ турамиз.

Сиз қурган гўшани асраймиз биз ҳам,
Яқин келолмагай кузгунлар асло,
Биз тирик эканмиз! яшайсиз сиз ҳам,
Сизни унутмайди сиз қурган дунё.

Динора КАРИМОВА,
Зарбдор тумани.

Ko'ngil og'rig'i

Men hech kimni tark etganim yo' q...

Nimalarga fido qildim yuragimni!
Ziddiyatlar chaqaverar to'yib-to'yib,
Raqiblarim yer qilmagan kuragimni,
Qiynoqlarga berib qo'ydim kulib-kulib.

Ne to'g'ridir bilmay qoldim, endi g'amdan,
Farqim bo'lmay qoldi do'stlar, aqli kamdan.
Sayanganim tog'lar debman, tuproq bo'ldi,
Bu ko'zlarim ochiqalayin qumga to'ldi.

Boshim egik, ko'zim yerda aqlim hayron,
Payxon bo'lgan ko'ngilginam vayron-vayron.

Аввас CHORSHAMBIYEV,
тарих fakulteti talabasi.

O'ZBEKISTONIM

Юз йилки, юраги пора қон бўлдим,
Ўзбекнинг ерида ўзга жон бўлдим,
Минг шуқур, қайтадан мусулмон бўлдим.
Қайтгани рост бўлсин дин-у иймоним,
Истиклол муборак, Ўзбекистоним!

Бугун шоирларинг сўзини айтар,
Бугун ғанимларинг йўлидан қайтар.
Бугун тирилмоқда кўмилган байтлар,
Энди қурбон бўлмас Чўлпон, Усмоним,
Истиклол муборак, Ўзбекистоним!

Қуриган дарёдек қайта тўларман,
Ўз мулким, ўзимга эга бўларман,
Ўлсам шу юрт учун шайхид бўларман,
Розиман, юрт учун тўқилса қоним,
Истиклол муборак, Ўзбекистоним!

Тоштурди БОТИРОВ,
тарих fakulteti talabasi.

СЕНИ ИЗЛАДИМ...

Сенинг рухсоринга чиқайин пешвоз,
Дедим — сендан ўзга — ўзга керакмас,
Бу ўксик дилимдан олдингми қасос,
Сени қаерлардан излайин эй бахт!

Кўшқинга етолмам нақадар олис,
Бўронларда қолди юрагим ёлғиз,
Ҳар куйга солганда торларим ожиз,
Сени қаерлардан излайин эй бахт!

Келгандинг, ёдимда севгини бошлаб,
Кўксингдан итардим кўзингни ёшлаб,
Энди яшайман дилимни ғашлаб,
Сени қаерлардан излайин эй бахт!

Сени изладимми, ё самолардан,
Армонга йўғрилган ўй-ҳаёллардан...

Насибохон МЕЛИБОЕВА,
мактабгача ва бошланғич таълим
fakulteti talabasi.

МУЛОҲАСА

Қадриятлардан бегоналашманг

Халқимизнинг ажойиб одатлари бор. Суҳбат чоғида овозни баландатмай, аста сўзлашиш ҳам одоб меъёрига киради. Афсуски, кейинги вақтларда жамоат жойларида бунинг аксига ҳам тез-тез дуч келяпмиз.

Айниқса, жамоат транспорти, таълим даргоҳлари, дўкон ва савдо мажмуаларида оддий муомала ва юриш-туриш қоидаларига ҳам амал қилмаслик одатий ҳолга айланиб бормоқда. Нафақат ёшлар, балки катта ёшдагиларнинг ҳам ўзаро баланд овозда гаплашишлари, меъёрдан ортиқ хандон отиб кулишлар, телефонда сўзлашиш одобига амал қилишмаётганлиги кишини ўйга толдиради.

Жамоат транспорти ҳайдовчисининг бошқарувда бўла туриб, телефонда бемалол суҳбат қуриши, бу ҳам етмагандек, одоб-ахлоққа тўғри келмайдиган сўзларни ишлатишига нима дейсиз? Бу ёшларга ўрнакми?

Ёшлар масаласи ҳақида сўз кетганда яна бир ачинарли ҳолат кўз ўнгимизда гавдаланади.

Бугунги кунда тамаки чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш каби зарарли ҳулқ ва одатлар ёшлар орасида ҳам кенг тарқалмоқда. Баъзилар бунда асосан, ўқитувчи ва мураббийларни айблашади. Ўқитувчи ўқувчиларини назорат қилмаётгани, эътиборсизлигининг натижаси, деб ҳисоблашади. Аслида ҳам шундайми? Ёшлар тарбиясига фақат ўқитувчи масъулми?

Гоҳо жамоат жойларида бемалол тамаки тутатиб турган ёшларни кўрамиз. Кўпчилик бу ҳолга кўз юмиб, ўтиб кетади. Бундай вазиятларда катталар танбехланган кўхна қадриятларимиз қаерда қолди? "Бир болага етти маҳалла отана" деб аталмиш сўзларимиз бор, ахир.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида бефарқликнинг огир оқибатларга олиб келишини бир неча бор таъкидлайди. Биз ҳам бугун бефарқлик домига тушиб қолмаёпмизми?

Бугун сиз кўчада тамаки чекиб турган йигитчанинг бу зарарли одатидан кўз юмдингизу, йўлингизда давом этдингиз. Тўғрида, у сизнинг фарзандингиз эмас, укангиз ёки қариндошингиз ҳам бўлмайди. Аммо эртага сизнинг фарзандингиз ҳам шундай чекиб турганида кимдир совуққонлик билан ўтиб кетади. Қараб-сизки, ёшлар ўртасида зарарли ҳулқ ва одатларнинг авж олиши чуқурлашаверади.

Жамиятшунослиқда "Қадриятлардан бегоналашув" деган тушунча бор. Наҳотки, юксак ахлоқ, маънавият ва илм-фанда дунёга ўрнак халқ бўлатуриб, қадриятларимиздан бегоналашяпмиз?

Хулоса қилишни ўзингизга қолдирган ҳолда, фақат бир нарсани таъкидламоқчимиз: ўзбекмисиз? Қадриятлардан бегоналашманг!

Машхура ИСОМИДДИНОВА,
мактабгача ва бошланғич таълим
fakulteti talabasi.

Алишер Навоий асарларининг деярли барчаси ижтимоий-сиёсий муносабатлар такомиллашуви, жамият қамолоти, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг юксалиб боришига хизмат қилади. Унинг шундай мукамал асарларидан бири "Маҳбуб ул-қуллуб" дир.

БУЮК ЖАМИЯТШУНОС

Амир Алишер ва замонавий сиёсий тушунчалар

Таъкидлаш ўринлики, ўрта асрлар адабиётига хос бўлган анъана — асар қаҳрамонларини жамиятнинг юқори табақа вакиллари образида ифода-лашнинг ўзига хос рамзийлиги бор. Навоий асар муқаддасида, жамият жуда мураккаб тузилишга эгаллиги таърифлар экан, турли инсонлар, турфа феъл-атвор, мақсад ва манфаатлар унинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини, лекин жамиятнинг ҳар бир аъзоси ундан ўзига хос хулоса чиқаришини айтади ва бунга ижтимоий-сиёсий муносабатлар масаласида ўз ҳаётида кечган жараёнлардан мисоллар келтириб ўтади.

Навоий жамият манфаатларини кўзлаб, айниқса ўз даври сиёсий элитаси ва олигархияси вакиллари намуна бўлиш мақсадида, ўз ҳисобидан кўплаб доруш-шифо (касалхона) ва кироатхона (кутубхона)лар қурдирган, каналлар ва ариқлар қаздирган. Ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг бош ғояси эса мурувват, футувват, саховат, жўмардлик, инсонпарварлик ғояларига қаратилган. Шунинг учун умр поёнида авлодларга ушбу масалаларни тушунишга ёрдам берувчи бир панднома — "Маҳбуб ул-қуллуб"ни мерос қолдиришга қарор қилган. Назаримизда, ушбу асар мутлақо ижтимоий-сиёсий мавзуда бўлиб, давлат ва жамият ишини бошқариш ишларига бағишланган. Чунки, асар кўпроқ подшоҳ, ҳукмдор, султон, ҳоким, бек ва садрларнинг хислат ва иллатлари, ижтимоий муносабатлари ҳақида баҳс юрилади. Бу жиҳатдан асарни бугунги си-

ёсий фанларнинг "Киёсий сиёсатшунослик" йўналишидаги "субстанциал қиёслаш" бўйича яратилган, дейиш мумкин. Шунингдек, асарда инсонларнинг жамият бошқарувидаги сиёсий иштироки ҳам кенг шарҳланади.

Навоий асарни уч қисмга бўлган, қисмларнинг номлари ҳам мавзунинг ижтимоий-сиёсий муносабатларни шарҳлашга бағишланганлигини билдириб туради. Биринчи қисм "Соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти", яъни халойиқ аҳволи, феъли, тили ва кайфияти, деб номланган. Унда жамиятда яшовчи барча ижтимоий қатламлар, уларнинг гуруҳ ва қатлам вакиллари сифатидаги муносабатлари, давлат муносабатларида тутган ўрни таърифланади. Жамият ва давлат бошқарувида олиқ ҳукмдор, султонлар, подшоҳлардан тортиб энг куйи табақа вакиллари ҳам жамият ва салтанатдаги сиёсий мавқеига доғишманона баҳо берилди (мазкур масала бугунги социология ва сиёсатшуносликда "социал стратификация" атамаси билан ўрганилади). Иккинчи қисмда "Ҳамида Афъол ва замима Ҳисол хосиятида" яъни яхши феъллар ва ёмон хислатлар хосияти ҳақида фикр юритилади. Бунда жамият ҳаётида, унинг тараққиёти ёки таназзулида асосий рол ўйнаовчи, турли гуруҳ ва айрим амалдор шахсларга хос фаолиятлар ижобий ва салбий нуқтаи назардан баҳоланади (мазкур масала бугунги сиёсатшунослик фанида "сиёсий тафаккур", "сиёсий социализация" атамаси билан ўрганилади).

Учинчи қисмда эса "Мутафарриқа фавоид ва Амсол сурати" яъни "Хилма хил фойдалар ва ҳикматли сўзлар" билан жамият бошқарувида катта эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатларга ҳикматлар воситасида ёндашилади (мазкур масала бугунги сиёсатшунослик фанида "сиёсий эҳтиёжлар, зарурат ва талаблар" атамаси доирасида ўрганилади).

"Маҳбуб ул-қуллуб"нинг деярли барча фасллари ва бобларида сиёсий бошқарувда бевосита иштирок этадиган сиёсий раҳнамолар, подшоҳлар, вазирлар, ҳокимлар, садрлар хусусида сўз юритилган. Асарда ҳар бир сиёсий бошқарув бўғини мансабдорнинг мақоми, одоби, яхши-ёмон жиҳатлари мисоллар воситасида очиб берилган.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ушбу асарда ҳар бир ижтимоий табақа вакиллари, уларнинг хусусиятлари, руҳияти, феъл-атвори, ҳаракат ва мақсадлари юксак маҳорат билан таҳлил қилинган. Навоий ҳозирги замон илмий тили билан айтганда, жамиятни ҳам сиёсий, ҳам социологик, ҳам психологик жиҳатдан таҳлил қилади.

Навоий сиёсий арбоб сифатида жамиятда содир бўлган кўплаб ҳодисаларни кўрган, ҳал қилиш жараёнида қатнашган, турли тоифа вакиллари, яхшию ёмон хулқли кишилар билан мулоқотда бўлган. Натижада, асарлари ҳаётини ва ишонарли ёзилган. Бу, ҳозирги замон сиёсатшунослиги тили билан айтганда, асарнинг эмпирик, реал, ҳаётини ҳақиқатлар асосида

ёзилганлигини кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, асар бошдан оёқ сиёсий муносабатлар ва ижтимоий муаммоларга бағишланган назарий-дидактик аҳамиятга эгадир.

Асарнинг кейинги фасллари "Номуносиб ноиблар зикрида" (бугунги сиёсий фанларда "сиёсий хиёнат" атамасига доир), "Золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида" (бугунги сиёсий фанларда "сиёсий режим" атамасига доир), "Вузуро зикрида" (бугунги сиёсий фанларда "сиёсий элита" атамасига доир), "Ноқобил садрлар зикрида" (бугунги сиёсий фанларда "сиёсий ахлоқ", "кадрлар сиёсати" атамаларига доир) каби фасллари бўлиниб уларни ҳар бирига алоҳида таъриф берилди (буларнинг ҳаммаси бугунги сиёсатшунослик фанида "сиёсий муносабатлар" доирасида таҳлил этилади). Асарнинг 13-фасли "Шоҳ улуси ўзига мушобих (мослиги), хослиги булур зикрида" деб номланади. Унда Навоий томонидан кўриб чиқилган масалалар бугунги сиёсатшуносликда "лигитимлик" масалалари доирасида таҳлил этилади.

Хуллас, Алишер Навоий асарларида бугунги сиёсатшуносликнинг таркибий қисмлари бўлган қатор сиёсий категориялар, мазмун моҳиятига оид қарашлар акс этган бўлиб, мутафаккир уларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини яхши билган ва амалга татбиқ этишга ҳаракат қилган.

Фазлиддин РАВШАНОВ,
сиёсий фанлар доктори.

Адабий тилимизга сайқал бериб...

Бобур асарлари тили ҳақида

Захириддин Мухаммад Бобур асарлари тилининг ўзига хос хусусиятлари кўпчилиги олимларни қизиқтириб келди. Айниқса, "Бобурнома" тилининг содда, тушунарлилиги билан ўзидан олдин яратилган асарлардан фарқлашиб туради.

Навоий ва Бобур асарлари қиёсий таққосланганда, бу жиҳат яққол кўзга ташланади. Албатта, бу фарқлар улар яшаган давр, муҳит ва ҳудудга ҳам боғлиқ. Алишер Навоий ижодига форсийзабон халқлар истиқомат қилган Хирот муҳити ҳам катта таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Шу сабабли асарларида форс тилининг кучли таъсири сезилиб туради ва бу табиий. Биламизки, Навоий мамлакатда туркий тилнинг кенг истеъмолда бўлиши ва ижод тилига айланишида кўп заҳматлар чеккан. Бутун ҳаёти ва фаолиятини шу маслак йўлида бағишлаган. Шундай бўлса-да, мамлакатда давлат иши араб ва форс тилларида олиб бориларди. Туркий тилда дарсликлар мавжуд бўлмагани учун таълимда ҳам шу тиллар ҳукмрон эди. Алишер Навоий асарлари тилида араб ва форсий сўз-ибораларнинг кўп учраши шундан, эҳтимол.

Захириддин Мухаммад Бобур бобокалони Амир Темур тузган буюк салтанат инкирозга юз тутган бир пайтда тарих майдонига чиқди. Унинг ижоди ғайритуркий тил ва шевалардан ҳоли Фарғо-

на муҳитида шаклланди. Бу эса асарларнинг содда ва раvon, халқчил бўлишига туртки берди.

Пиримқул Қодиров ўзининг "Тил ва эл" номли китобида бу борада шундай ёзади: "Бобурнинг тили Навоий тилига нисбатан содда, жонли сўзлашув нутқиға яқин. Шунинг учун китоб тилида "эрди", "эрдим" деб ёзиладиган ёзувлар, сўзлар қисқароқ тарзда "эди", "эдим" деб ёзилади. Бу ҳаммаси Бобур Мирзонинг адабий тилимиз сарчашмаларига Ватан бўлган Андижонда туғилиб ўсгани, Тошкент ва Самарқандда яшаганлиги билан ҳам боғлиқ".

Биламизки, ҳозирги ўзбек абадий тилига Фарғона водийси шевалари асос қилиб олинган. Бобур ҳам шу муҳитда ўсган, улғайган. Лекин Бобур форс тилини билмаган, деган хулосага келмаслик керак. У шахзода сифатида сарой тили бўлган форс тилини билмаслиги мумкин эмас эди. Қолаверса, бу тилда кўплаб ашъорлар ёд билган, ўзи ҳам форсийча шеърлар ёзган. Бу ҳақида "Бобурнома" да ҳам қайд этилади: "Ул маҳаллар бирор байт, икки рор байт форсий айтур эдим. Бу байтни анда айтиб эдим:

*Ҳеч кас чун ман харобу ошуқу расво мабод,
Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод"*

Таржимаси:
Ҳеч ким менингдек ошуқу расво бўлмасин,

Ҳеч ким сен каби бераҳму бепарво бўлмасин.

"Бу байт ўзбек тилига шундай осон таржима қилинадики, Бобур уни ўзбекча ўйлаб, форсча айтгандек...", деб ёзади Пиримқул Қодиров. Шундан ҳам кўриниб турибдики, Бобур форсий тилини яхши билиб, унда ижод қила олса-да, кўпроқ туркийда, содда усулда ёзишни афзал билган.

Бобур ўзидан олдинги мумтоз адабиётимиз номаёнда-ларининг асарлари билан ҳам яқиндан таниш эди. Эҳтимол, улардан бадиий илҳомланган ҳам. Аммо улардан фарқли ўлароқ, ўз асарларида ортиқча дабдабадан тийилган, услубини халқ тушунадиган даражада соддалаштиришга ҳаракат қилган.

Бобуршунос олим С. Ҳасанов ўзининг "Захириддин Мухаммад Бобур" асарида шоирнинг бадиий тили ҳақида шундай ёзади: "Шоир дабдабали мисралар ва мураккаб сўзларни ишлатишдан қочади. Шунинг учун унинг асарлари, айниқса "Бобурнома" си асрлар давомида минглаб ўқувчиларни хушнуд этиб келмоқда".

Бобур адабий тил ва халқ тили орасидаги фарқни қисқартиришга катта ҳисса қўшди. Демакки, ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишига замин яратди.

Б.Файзуллаев,
Ўзбек тили ўқитиш услубияти кафедраси доценти.

Бобур армони

Бобур Мирзонинг юзлаб газалу рубоийларида Ватан соғинчи уфуриб туради. Бобур аввало, юраги Ватан меҳри билан урган нозик дидли ижодкор эди. Демак, Ватан соғинчи шоирни бир лаҳза бўлса-да тарк этмаган. Ҳиндистонда йирик империяга асос солган бобокалонимизнинг бутун умр Ватанга қайтиш истаги билан яшагани ўрта Осиё ҳукмдорлари билан илиқ дипломатик алоқалар ўрнатишга интиланлиги билан ҳам тасдиқланади. Афсуски, 1530 йилнинг баҳоринида шоирнинг оғир дардга чалиниши жуда кўп эзгу режаларнинг амалга ошишига йўл бермади.

Буюк саркарда, ижодкор Захириддин Мухаммад Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида, 47 ёшида вафот этди. Қисқа умри давомида яратган нодир илмий асарлари, гўзал рубоий ва газаллари, "Бобурнома"-дек қомусий-хотира мемуари жаҳон маданият мероси сандигидан ўрин олди. Унинг илм-фан ва адабиёт олдидидаги хизматлари, ободчилик йўлидаги ишлари, дин ва миллатлар ўртасидаги баррикенглик хислатлари жаҳон халқлари қалбида мангу қолди.

Гулноза КЕНЖАЕВА,
Чет тиллар факултети талабаси.

ДОНИШМАНДА БОБОМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН!

Ҳар йили мактабимизда Навоий бобомизнинг туғилган кунини нишонлаймиз, шерларидан ўқиймиз. Тadbиримизда бобомизнинг асарларидан парчалар келтирамиз. Гўёки сахнада рўл ўйнаётганда Навоий бўлиб кетгандек хис етамиз ўзимизни.

Уша пайтдаги қувончимизни кўрсангиз эди! Ҳаммамизнинг мунчоқ кўзларимиз порлаб кетади. Шундай буюк бобомиз борлигидан фахрланиб кетамиз. Биз бахтли боламиз. Чунки бизнинг буюк тирихимиз бор, тўқис бугунимиз, порлоқ келажакимиз бор.

Навоий бобомнинг оромбахш сатирларини мурғак қалбим ҳали тўлиқ англаб ётолмасида, дилимдан ўзгача хис ҳаёжон тугаман. Беихтиёр қўлимга қалам олиб, шеърлар тўқий бошлайман. Навоий бобомнинг сиймолари кўз ўнгимда гавдаланади. Эҳ, бобожон сиздек буюк ижодкор бўла олсам эди.

Ҳозирда мактабда аъло баҳоларга ўқияпман. Мақсадим юртимга муносиб фарзанд бўлиш, Навоий бобомдек эзгу ишлар қилиш ва у кишидек буюк асарлар яратишдир.

Диана Амирханова,
Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси

— Яқинда бир танишим Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Мен ҳам келажакда шундай марраларни забт этсам, деб ҳавас қиламан.

Талабалар учун таъсис этилган давлат стипендиялари ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

**Машхура Исомиддинова,
1-босқич талабаси.**

Республикамизда иқтидорли талабалар учун кенг имкониятлар мавжуд. Шулардан бири давлат стипендияларидир. Улар бир нечта турга бўлинган. Қуйида шу хусусида атрофлича тўхталамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган давлат олий таълим муассасаси талабаларига бакалаврият ва магистратура бўйича алоҳида квота асосида ажратилади. Президент стипендияси квотаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги; техника ва информатика; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот; ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар; табиий фанлар; бизнес ва бошқарув; педагогика; маданият, санъат ва спорт; хорижий тиллар; ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар, шунингдек, журналистика таълим йўналишларига биттадан белгиланади.

Талабаларга Президент стипендиясини тайинлашда талабанинг умумтаълим тайёргарликни илмий-тадқиқот (ижодий) ишлар билан уйғун олиб борганлиги, йўналиши бўйича конференция ва танловларда мунтазам иштироки, камида иккита ижодий иш (асар)ларининг эълон қилинганлиги инобатга олинади.

Бундан ташқари, хорижий тиллар, ахборот технологиялари ва Ўзбекистон тарихини билиш талаб этилади. Ушбу фанлар бўйича номзоднинг билим даражаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида (минтақалар бўйича) махсус тест синовлари орқали аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси қуйидаги кетмакетлик асосида тайинланади:

1. Талаба олий таълим муассасаси илмий кенгашига тегишли ҳужжатларни топширади;

2. Олий таълим муассасаси илмий кенгаши яширин овоз бериш йўли орқали, оддий кўпчилик овози билан номзодларни кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қила-

Иқтидорли талабаларга катта имтиёз

ди;
3. Олий таълим муассасаси маъмурияти илмий кенгаш қарори асосида стипендия тайинлаш ҳақида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тавсиянома юбориши;

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлашидан аввал талабгорларнинг белгиланган мезонларга мувофиқ

сентябрь.

Давлат стипендияси соҳиб бўлган талабалар олий таълим муассасасини битиргач, икки йил давомида ўз йўналиши бўйича кейинги таълим босқичига кириш имтиҳонларисиз, грант асосида қабул қилинади.

Кундалик дарсларни ўзлаштирамаган, ўқув интизоми ва илмий одоб-ахлоқни бузган талаба ўқув йили



билим ва илмий (ижодий) тайёргарлик даражасини пухта экспертизадан ўтказиши;

5. Вазирликда тузилган танлов комиссияси талабгорларнинг якуний танловини яширин овоз бериш йўли билан ташкил этади. Овоз беришда иштирок этган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган номзод Президент стипендиясини тайинлаш учун тавсия қилинади;

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати танлов комиссиясининг қарорини тасдиқлайди. Номзодлар дастлабки кўриб чиқиш учун олий таълим муассасаси илмий кенгашига синов дафтарчасидан кўчирма, деканат ва кафедра тавсияномаси, илмий (ижодий) иш аннотацияси, илмий раҳбар хулосаси, илмий (ижодий) иш тақризи, илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхаларини тақдим этадилар. Барча ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинади. Ҳужжатларнинг ҳар бир тўплами жилдга жойланади, муқовада ишни тақдим қилган муассасанинг номи, номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ишнинг номи кўрсатилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта кўриб чиқади. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 1-15 август, кўриб чиқиш муддати — 10-25

мобайнида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан стипендиядан маҳрум қилиниши мумкин.

НОМЛИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИ

Бакалаврият бўйича ўқиётган охириги икки курс талабаларига тайинланади. Номзодлардан аъло ўқиш ва изчил илмий тадқиқот билан шуғулланиш, ахборот технологиялари, хорижий тиллар ва Ўзбекистон тарихини билиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг номи давлат стипендиялари қуйидаги кетмакетлик асосида тайинланади:

1. Талаба олий таълим муассасаси илмий кенгашига тегишли ҳужжатларни топширади;

2. Олий таълим муассасаси илмий кенгаши яширин овоз бериш йўли билан номзодларни кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

3. Олий таълим муассасаси маъмурияти илмий кенгаш қарори асосида стипендия тайинлаш ҳақида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тавсиянома юбориши;

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни кўриб чиқиб, қарор қабул қилади.

Давоми 6-саҳифада.

Фармойиш ва ижро

КИТОБХОН УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Келажак авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгида эзгулик, бунёдкорлик, ижтимоий бирдамлик каби ғояларни шакллантириш бугунги куннинг ҳаёт-мамот масаласи бўлиб турибди. Шу маънода, Президентимизнинг "Китоб махсусотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши ўз вақтида қабул қилинган тарихий ҳужжатдир.

Институтимиз ахборот ресурс марказининг асосий мақсади профессор-ўқитувчилар, талабалар ва аҳолининг барча қатламларига кенг кўламли ахборот кутубхона хизматларини кўрсатиш, уларни соҳадаги янгилик-



лар билан таништириб бориш, маълумотларни қисқа вақтда сифатли етказиш борасидаги ишларни самарали йўлга қўйишдан иборат.

Бугунги кунда китобхонларга яқка ва гуруҳли хизмат кўрсатиш, янги адабиётлар тақдими ва кўрғазмаси, конференция, таълим муассасалари билан ҳамкорликда илмий-амалий семинар ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, шунингдек, кенг китобхонлар оммаси билан доимий ҳамкорликда иш олиб боришга эришиляпти.

Ахборот-ресурс марказида 9 та ўқув зали бўлиб, улардан 5 таси чет тилларини ўрганиш, бадиий адабиётлар, аниқ ва табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар ва магистр, илмий тадқиқотчилар учун махсус соҳаларга ихтисослаштирилган.

Институтда таҳсил олаётган имконияти чекланган фойдаланувчиларга махсус NVDA дастури асосида хизмат кўрсатилади. 2016 йилнинг апрель ойида 520 минг сўмлик махсус аудио ёзувли адабиётлар харид қилинди. Вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси ва институт ахборот-ресурс маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома тузилган.

АРМ бошқа ахборот-кутубхона муассасалари ҳамда марказий нашриётлар билан ҳам ҳамкорлик қилади. Жумладан, Жиззах политехника институти, вилоят ахборот-кутубхона маркази, Самарқанд Давлат университети, Наманган муҳандислик педагогика институти ахборот-ресурс марказлари билан ҳамкорлик муносабатлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон ресурсларидан жамоавий фойдаланиш имкониятлари яратилган. Электрон кутубхонада талабаларнинг электрон ахборот-ресурсларидан эркин фойдаланишлари учун барча шароитлар мавжуд. Аъзоларимиз www.natlib.uz, www.ziyounet.uz, www.fikr.uz, www.kitob.uz, www.lex.uz каби сайтлардан унумли фойдаланишлари мумкин.

**Робия ИШНАЗАРОВА,
АРМ директори.**

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Ходимлар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш масаласи касабаяушмаси фаолиятининг устувор вазифаларидан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, иш ўринларини меҳнат шароити бўйича аттестация қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида институтимиздаги бир катор иш ўринлари шаҳодатдан ўтказилди.

Институтимизда хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича мавжуд санитария-маиший шароитларни яхшилаш, ходимларни соғломлаштириш, касб касаллиги ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан йиллик режалар ишлаб чиқилди. Ходим ва талабаларимиз техника, ёнғин ва электр йўриқнамаларидан ўз вақтида хабардор қилиниб, тегишли журналларга

ЭЪТИБОРИМИЗДА!

қайд этиб бориляпти.

Ходимлар ўқув йили бошида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилди. Қулайликларни кенгайтириш мақсадида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, компьютер хизмати ва кутубхона фаолияти йўлга қўйилган.

Яқинда алоҳида техника хавфсизлиги хонаси иш бошлади. Меҳнат муҳофазаси бурчаги ташкил этилиб, замонавий техник воситалар ва кўрғазмали қуроллар билан жиҳозланди.

Ходимларга яратилаётган меҳнат шароитларини ижтимоий ҳамкорлик билан олиб бориш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш биз — мутахассисларнинг асосий бурчимиз ҳисобланади.

**Мурод ИБРАГИМОВ,
меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассис.**

Даврий нашрнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар қандай газета ўз ўқувчиси, муштарийсига эга. Яхши мақола эса ҳаммаша қўлма-қўл ўқилади. Демокримизки, ўқувчига айтадиган гапи бор нашрнинг қаноти бўлади.

"Зиё чашмаси" газетасини саккиз йилдан бери варақлай-

Яқинда "Зиё чашмаси"нинг 2016 йил 20 декабрдаги 9-сони қўлимга тушди. 4-саҳифада берилган

Зиё тарқатилишида

масъулият зарур

ман. Эҳтимол, ижодга тетапоя қадамларим шу даргоҳдан бошлангани учундир. Ҳа, у нашр этила бошланганидан бери олийгоҳимиз ижодкор ёшларининг чинакам минбари бўлиб келган. Кейинги йилларда Махлиё Нормуродова, Шербек Каримбек, Абдуманнон Ҳасанов, Орифжон Одилов, Гулноза Ирисева, Нигора Ҳасанова, Булбулноз Қобилова, Одилжон Шодиев, Шодиёна Абдугаппарова, Достонбек Одилов, Абдуғаффор Абдурахмонов, Нигора Ҳалилова каби юзлаб истеъдодлар мана шу даргоҳда кашф этилди. Бу эшиклар бугун ҳам очик. Нашрнинг қамров доираси эса янада кенгайиб бораётир. Институт қошидаги икки академик лицей ўқувчиларининг ижодий жараёнга тортилаётгани, машқларидан намуналар газета саҳифаларида бериб борилаётгани эса қувончли ҳол.

Аммо бир оғрикли жиҳат борки, айтмасак бўлмайди. Бизга газетанинг аксарият сонлари жуда кеч этиб келарди...

"Этиборсизлик қачонгача?" мақоласини ўқидиму, ушбу масаланинг ҳалигача ўз ечимини топмай келаётганидан афсусландим. Муаллиф янги сонларни талабалар бир ойдан сўнг ўқиётгани, баъзан эса газета муштарийга умуман этиб бормаётганини куюнчаклик билан ёзади. Бунга замин яратаётган сабабларга аниқлик излайди.

Мени масаланинг яна бир жиҳати ўйга толдирди. Олийгоҳни тамомлаганимга анча бўлди. Шундай бўлса-да, институт билан доимо алоқаданман. Устозлар кўрсатмасига ҳамма вақт эҳтиёж сезаман. Шундай вақтларда институт ахборот-ресурс марказига кириб ўтишни канда қилмаман. Бу ерда китоблардан ташқари республика ва вилоят миқёсида чоп этиладиган даврий нашрларни ҳам топиш

мумкин. Беш-олти йиллик тахламлар сақланади. Аммо, таассуфки, бу зиё масканидан институт газетасини излаб тополмайсиз. Ходимлар ҳар сафар бир хил жавоб беришади: "Бизга "Зиё чашмаси"ни келтириб беришмайди".

Яхши биласиз, "Зиё чашмаси" муштарийга почта ёки бошқа мат-



Акс-садо

Газета ўқимаган ўқувчи

Яқинда хизмат тақозоси билан касб-ҳунар коллежларидан бирида ўтказилган ота-оналар йиғилишида иштирок этдим. Ёшлар тарбияси бўйича кўп яхши гаплар айтилди. Мавзу айланиб, ўқувчиларнинг газетхонлик савияси ва обуна масалаларига бориб тақалди.

Кутилмаганда, ўрта ёшли бир аёл ўрнидан турдию, кўнглидагини айтди:

— Ўқувчига газета нимага керак? Шахсан мен боламнинг бирорта нашрга обуна бўлишини хоҳламайман.

Залга сукунат чўқди. Йигин бошқарувчиси энди оғиз жуфтлаган эди, улгурмай қолди. Гапни яна бояги аёл "илиб" кетди:

— Ўзим ўқитувчиман. Ўша газеталарингни бирор марта очиб кўрмаганман. Биласизми, нима учун? Чунки барибир арзирли нарса ёзишмайди.

Очиғи, аёлнинг сўзлари шахсан мени кўпроқ ранжитди. Ахир, бу сўзларни кимсан, жамиятимиз келажаги — ёшлар тарбиячиси бўлган олий маълумотли педагог айтмоқда.

...Бола эдим. Онам турли эртақ, дoston, халқ кўшиқларини яхши биларди. Бўйим чўзилиб, "катта йигит" бўлиб қолганимда ҳам кунда-кунора "эртақ айтиб бе-

ринг", деб хархаша қилардим.

Иккинчи синфда ўқирдим. Бир куни онам қаёққадир отланиб қолди. Табиийки, мен ҳам эргашдим.

— Ўзи сен учун кетяпманку, тентаквой. Сени ташлаб кетармидим, — деди бошимни силаб. Кўчамиз бошида почтахона бўларди. Онам мени етаклаб, ўша ерга олиб борди.

— Болалар учун қандай газеталарингиз бор? — деди миждозларга хизмат кўрсатадиган "туйнук" ёнига келганимизда.

Почтачи опа онамнинг қўлига бир неча рангдор, катта-кичик қоғозлар тутди. Газета деган сўзни эшитгандиму, унинг қандай бўлишини тасаввур қилмаган эканман. Онам ўша "қоғозлар"ни бирма-бир кўриб чиқиб, ичидан биттасини танлаб олди.

— Шунисига йиллик обуна қанча бўлади?

Почтачи опа нарх айтди. Тўлов қилиб, ортга қайтдик. Йўл-йўлакай онам мени эркалаб, сўз қотди:

— Энди сен катта бўлиб қолдинг, ўғлим. Сен ўқиб, яхши инсон бўлишинг керак.

Ўн кунлар ўтиб, уйимизга почтачи амаки газета олиб келди. Бу ўша вақтларда чиқадиغان бошланғич синф ўқувчиларининг "Болалар дунёси" газетаси эди. Унда

ёш муштарийлар учун илк ижодий сабоқлар, тенгдошлар салоҳиятидан ҳикоя қилувчи лавҳалар бериб бориладди. Юқори синфга ўтганимда худди шу газетада илк шеърий машқим эълон қилинди. Илмга, адабиётга шу зайл қизиқиб қолганман.

Онам оддийгина қишлоқ аёли эди...

"Ўқувчига газета керакми? Билимни китобдан олса ҳам бўлади-ку".

Тўғри, ўқувчи билим олиши учун етарлича китоблар бор. Улардан билим ҳам, тарбия ҳам олиш мумкин. Лекин бугунги кун, давр руҳи, тоза ва янги ахборот ҳаммага керак-ку.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, турли ёт ғояларга эргашиб, зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолган, гиёҳвандлик балоси домига илинган ёшлар ҳақида матбуот тинимсиз бонг урмоқдаю, нима учун бу аччиқ қисматнинг янғидан янги қурбонлари пайдо бўлаверяпти? Нима учун улар айнан ёшлар? Бу газета ўқимаслик, дунёда рўй бераётган воқеалардан гофиллик, ёшлар дунёқарашининг торайиб кетгани оқибатимасмикан?!

Савол туғилади: Қачон ўзингиз истаб матбуот дўконига бордингиз?

Орифжон ОДИЛОВ.

Фельетон ўрнида

"Оббо, мунча танаффус бўла қолмайди? Одам жуда зеркиб кетди-ку. Ана! Хайрият, жиринглади. Овозларингдан аканг! Худди булбул хонишига ўхшайсан-а. Шу танаффус деган нарсани ким ўйлаб топган экан? Майли, ким бўлса ҳам барака топсин."

"Амалдор" талаба таваллоси

Ия, хаёл билан бўлиб, сизни кўрмай қолибман. Келинг, табиий оламиз. Хуллас, мен... Э, исмиمنى ўзим ҳам унутиб юборганман. Тўғрида, талабаликнинг биринчи кунидан гуруҳ сардорлигига сайлашдию, исмиمنى биров тилга олмай қўйди. Аҳёнда бир дарсга кирсам (бундай ҳоллар ўзи камдан-кам бўлади), йўқламада фамилиямни эшитиб, қувониб кетаман. Исми-шарифингни ҳафталаб эшитмасангу, кутилмаганда кимдир фамилиянгни айтиб чақирса, ғалати бўлиб кетаркансан.

Сизга қандай мурожаат қилишади, дейсизми? Ҳе, биродар, содда экансиз! Аканг қарағайнинг таҳаллуси олийгоҳда маълуму машхур. Яъни "староста"!

Авзойингиз ўзгармай қўяқолсин. "Староста" бўлганим билан менга ҳам осон эмас. Қайсидир фильмда кўрган эдим: "Шоҳ, шоҳ, дейишади. Шоҳларга маза деб ўйлашади. Бўлмаган гап. Гийбатчиларнинг гийбати бу". Эсладингизми? Э, яшанг!

Мен ҳам шундай, эл хизматидаги одам. Ҳалқум учун... э, кечирасиз, "халқим" учун елиб-югураман. Оқибат ортирганим иғвою бўхтон. Яна бизни "амалдор" деб маломат қилишгани ортиқча.

Филология факультети талабаларини олайлик. Бизни "Соҳил ёқалаб чопаетган олапар" дейишармиш. Ёзувчимиз, шоирми ишқилиб биттасининг шунақа асари бор экан.



Ўзларича пайров қилишганда. Номард, чопсам, сен учун чопдим-ку! Дарсга келмай қолганимда сени "касалхонага ётқизиб", йўқламадан ўтказган ким?

Бу ҳам майли, математика талабаларининг бизга қўйган лақаби ҳаммасидан ошиб тушди. Нима эмиш, биз "илдиз остидагилар"мишмиз.

Яна бир марта айтаман, бу гапларга ишонманг. Бари бир тухмат. Биз шишадек мусаффо халқимиз. Гапларим ёлғон бўлса, бир қошиқ сувда чўкиб кетай! Ия, кўнғирок чалиндими?! Кейинги "пара" фалсафа эди. Дарсга кирмасам бўлмайди. Кейинроқ бафуржа гурунглашармиш.

Беминнат ЁРДАМБОЕВнинг сўзларини Гулноза ИРИСЕВА оққа кўчирди.

Бола нафасидай беғубор

Устоз Туроб Мақсуд (Охиратлари обод бўлсин) шогирдпарвар инсон эди. Биз, ёшлар катта ижодкорларга тақлид қилиб, зўраки фалсафий шеърлар ёзсак, "Бола деган болаларча нафас олса, бўлмасмикан-а!" дердилар домла зорланиб...

Яқинда институтимиз қошидаги 2-сонли академик лицейда таҳсил олаётган ёш шоира синглимиз Машхура Нурматованинг бир даста машқлари қўлимга тушиб қолди. Очиғи, бу шеърларда ажиб болалик нафасини туйдим.

Фалсафазоликлар-у, турфа хил "изм"лардан пича зада бўлган эканмизми, менга бу самимий мисралар жуда хуш ёқди.

Машхура, ижодингиз бутун умр боладай покиза нафас олсин!

Яҳё КЕНЖАБЕК.

Юрт жамоли

Бу юртнинг шамоли шундай елади,
Жаннат насимлари аламдан куяр.
Бу юртнинг эртаси шундай келади,
Манглайига қуёш лаб уриб, суяр.

Бу юртнинг кунлари мазмунларга бой,
Меҳнат жавлон урар жону танида.
Файзи ўзгачадир, ўзгача чирой,
Маъсудлик барқарор ҳар масканида.

Бағрикенглик асрий қадриятидир,
Бунда инсон азиз ҳамда муқаррам.
Денгиздек тошқиндир қалбида гурур,
Белбоғи белида ҳамшиша маҳкам!

Бу юрт фуқаросин қадами қутлуғ,
Нигоҳ ташлар фақат баланд ерларга.
Бу юртнинг таърифи шундайин улуг,
Ўзидек пок, сиймас ҳатто шеърларга.

Ватан ва мен

Ватан — онам, меҳри билан оғушлаган,
Қанот берган юксакларга қил, деб парвоз.
Ватан — офтоб, зар нурларин аямаган,
Камол топ, деб умид ила берган овоз.

Ватан — зиё, кенг дунёга маърифатдан,
Ёғду сочиб, зулматларни йўлатмаган.
Ватан — қўрғон, не мардларнинг ардоғида,
Ёвлар яқин келолмаган, қулатмаган.

Ватан — само, эркин ва ҳур қушларига,
Баланд парвоз этмоқликка берган имкон.
Ватан — дийдор, тунлар кўриб тушларида,
Бобурлари, Фурқатлари чеккан фиғон.

Мен ниҳолман — Ватан меҳри билан тирик,
То тирикман шу тунроқдан қувват олғум.
Ишонч юксак, келажакка боқаман тик,
Бир кун юртим эртасига тиргак бўлғум.

Машхура НУРМАТОВА.

Иқтидорли талабаларга

Боши 4-саҳифада.

Номзодлар дастлабки кўриб чиқиш учун олий таълим муассасаси илмий кенгашига синов дафтарида кўчирма, деканат ва кафедра тавсияномаси, илмий (ижодий) иш раҳбарининг хулосаси ҳамда чет тиллар кафедрасининг суҳбат натижалари ҳақидаги маълумотномасини тақдим этадилар.

Барча ҳужжатлар жилдга тикилган ёки папкага жойланган бўлиши керак. Муқовада номли давлат стипендиясининг номи, номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, курси, гуруҳи кўрсатилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта — 10 сентябрдан 25 сентябргача кўриб чиқади.

Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабалар бакалавриятни тугатганидан сўнг бир йил мобайнида, тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз, грант асосида қабул қилинади.

Кундалик дарсларни ўзлаштирмаганлик, ўқув интизомини ва илмий одоб-ахлоқни бузганлик учун ўқув йили мобайнида тегишли вазирлик буйруғи билан номли давлат стипендияларидан маҳрум қилиниши мумкин.

"КАМОЛОТ" СТИПЕНДИЯСИ

"Камолот" стипендиясига интилувчан, билими ва иқтидори билан тенгдошларига ўрнатилган, аъло

Сўраган эдингиз катта имтиёз

баҳоларга ўқийдиган талабалар лойиқ кўрилади. Шунингдек, талабанинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақида тўлиқ тушунчага эғалиги, жамият ва шахсий ҳаётда тутган ўрни ҳам инobatга олинади. Стипендияга номзоднинг иқтидори ва фаоллиги акс этган илмий-публицистик материал, тўп-лам ёки матбуотда эълон қилинган илмий-ижодий ишлар, тезислар, шунингдек, фахрий ёрлик, диплом, сертификат каби шахсий ютуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар кенгашга тақдим этилади.

Иштирокчи ёшлар ҳаётига оид қонунчилик таклифи, жамоатчилик асосида амалга оширилиши кўзланган гоё, анжуман ва фестиваллар, танлов ҳамда кўрғазмалар ташкил этиш бўйича ўз лойиҳасини ишлаб чиқиши, лойиҳанинг номи, мақсади, кутилаётган натижаси ҳужжатларда қайд этилиши керак.

Ҳужжатлар олий таълим муассасасидаги "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилотига топширилади. Муқаддам Ўзбекистон Республикасининг Президенти стипендияси ёки номли давлат стипендиялари билан тақдирланган талабалар "Камолот" стипендиясига номзод қилиб кўрсатилмайди.

"Камолот" стипендияси "Камолот" ЁИХ Марказий Кенгаши қарори билан тайинланади.

Расмий манбалар асосида
Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

Азиз мушаррийлар! Таҳририятимизнинг ziyo-chashmasi@umail.uz электрон манзили иш бошлади. Фикр-мулоҳазаларингиз ва ижодий ишларингиздан намуналарни эндиликда бизга интернет тармоғи орқали ҳам йўллашингиз мумкин. Унутманг, «Зиё чашмаси» сизнинг газетангиз!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Институтининг физика математика факультети математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири доц. А. Шамсиевни 60 ёши билан институтимиз раҳбарияти, жамоат ташкилотлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар МУБОРАКБОД ЭТАДИЛАР!

60 ёшингиз қутлуғ бўлсин!

Йил ҳисоби

Ҳижрийни милодийга айлантириш
ва аксинча...

Ҳижрий йил ҳисоби Муҳаммад (с.а.в.) бошчилигидаги Макка мусулмонларининг Ясриб (Мадина) шаҳрига ҳижрат қилган, яъни кўчган куни — 622 йил 16 июлдан бошланган. Мовароуннаҳрга ислом дини кириб келиши билан ажодларимиз ҳам барча мусулмон халқлар қатори ҳижрий йил ҳисобидан фойдалана бошлашди ва ўрта Осиёда ҳижрий тақвим XIX асргача амалда бўлди. Унда йил давомийлиги 354 кунга тенг бўлиб, жуфт рақамли ойлар 29, тоқ рақамли ойлар 30 кунлик бўлади.

Ҳижрий йилни милодий йилга айлантириш учун уни 0,97га кўпайтириб, яхлитлаш, ҳосил бўлган сонга 622ни қўшиш керак. Масалан, Абу Райхон Беруний ҳижрий 362 йилда туғилган. $362 \times 0,97 = 351,14$. $351 + 622 = 973$. Демак, Беруний милодий 973 йил таваллуд топган.

Милодий йилни ҳижрий йилга айлантириш учун эса ундан 621ни айириб, 1,03га кўпайтириш ва яхлитлаш керак. Масалан, Алишер Навоий милодий 1441 йилда туғилган. $1441 - 621 = 820$. $820 \times 1,03 = 844,6$. Демак, Навоий ҳижрий 844 йилда таваллуд топган. Натижалар тақрибан бир йилга ноаниқ натижа бериши мумкин.

Қайсар ЎРОЛОВ,
Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси.

Kechinma

ISH NAFASI

Qish. Bu fasl har bir dilga o'zgacha zavq bag'ishlaydi. Yog'ayotgan oppoq qor oppoq orzularga, musoffo tuyg'ularga yo'g'rilgandek, go'yo. U yuraklarga sokinlik ulashadi. O'qilikka burkangan borliq, serjilo faslining og'ushida ko'ngil bilan tillashadi. O'ynoqi parcha bir olam shodliklarni olib kelib, dillardagi hayajon torlarini sho'xlik bilan chertadi. Maftunkor qish yuraklarga sahiylak bilan bir hovuch mehr ulashadi. Zarrin uchqunlar ila bezangan tabiat o'zining fusunkor husniga mahliyo etadi. Ilhom parisi bu manzarani chiz, deya qo'lingga qalam tutadi:

Mo'jiza taftini quchib olgan qish,
Nur kabi tovlanar sehrli tunda,
Dil aytar tassanno, aytadi olqish,
O'ynoqi sho'x parcha raqs etar bunda.

Ha, bu faslning maftunkorligi buyuk asarlarning dunyoga kelishiga turtki bo'lgan. Qish nafasi ne-ne insonlarga ijodkorlik salohiyatini tuhfa etgan.

Dilnoza NE'MATOVA,
pedagogika-psixologiya fakultati talabasi.

МУАССИС:

Абдулла Қодирий
номидаги
Жиззах давлат
педагогика
институтини

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

А. Холбеков
Қ. Ядгаров
Ф. Аҳмедов
М. Султонов
Ф. Равшанов

Б. Очилова
Ф. Аҳмедшина
Д. Эрийгитов
Ю. Каримова
С. Каримов

МАНЗИЛ:

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси
144-уй. Жиззах давлат педагогика
институтини бош биноси, 2-қават.

Жиззах вилояти матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.
Ойда бир марта чоп этилади
Баҳоси эркин нарҳда

Газета «Жиззах-принт» бос-
маҳонасида офсет усулида чоп
этилди.
Адади: 2700. Буюртма № _____
Босмаҳона манзили:
Жиззах шаҳри, Сайилжойин
кўчаси, 4-уй.

Таҳририятга келган хатлар
досимий диққат-этиборимиз-
да бўлгани сабабли муаллиф-
ларга қайтарилмайди.
Газетадан кўчириб босиш
фақат таҳририят ёзма руҳса-
ти билан амалга оширилади.

Босишга топширилди: 14.02.2017 - 16:00
Навбатчи муҳаррир: Орифжон Одилов
Мусахҳих: Абдуғаффор Абдурахмонов